

№4070633- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Пойтуғиши.

2022 йил “**6**” январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “07” 01 даги 5002-08/46-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Андикон филиали Пойтуғ телекоммуникациялар боғламаси бошлигиН.Юлдашев(кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Избоскан туман** Давлат санитария эпидемиология назорати маркази номидан Устав (Низом, рўйхатта олинганилк тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи В.С.Қодиров(кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилаар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZрасмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузида;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз ташловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиши даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириши (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (үч)** банк куни мобайнida амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланинда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегиши иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегиши иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий микдори 320 000,00 (Үч юз йигирма минг) сўмни ташкил этади, 15 % микдоридаги ККС ни инобатга олган ҳолда. Ундан 48 000,00 (Кирик саккиз минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови хамда 0,00 сўм микдоридаги бир марталик тўловни ташкил этади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишиш/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (үч)** банк куни ичиза ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтқазиши ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиши учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календаръ ойи) учун исталмаган тўловларнинг оддини олишина истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишида блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиши тартиби Офера конидлари билан тартибида солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўрнишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдор кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үй) или куни мобайнida Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки элекtron шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегиши тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегиши тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида. Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилishi мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни хал килиши тартиби